

OMH6975



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI**  
**HUZURIDAGI BOJXONA QO‘MITASI**

100003, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi 3 uy

1 iyul 2026 yil.

**05/12-8054-son**

**Божхона брокерлари**  
**уюшмаси**

Божхона брокерлари уюшмаси аъзолари ҳамда божхона брокерлари вакиллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда бир қатор масалалар кўтарилган.

Хусусан, Божхона брокерлари уюшмаси вакили Картавцов Алексей Викторович томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 декабрдаги 737-сон қарорига мувофиқ, товарлар МДП китобчаси ёки АТА карнети орқали ташилаётганда чегара божхона постларида транзит декларацияси тақдим этилмаслиги, лекин амалиётда транзит декларация сўралаётганлиги билдирилган.

Мазкур масала юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 декабрдаги 737-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандида:

- юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда Юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенциясига (1975 йил 14 ноябрь, Женева) мувофиқ товарлар Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчаси асосида **дастлабки ахборотни тақдим этиш орқали** ташилганда;

- вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияга (1990 йил 26 июнь, Истанбул) мувофиқ товарлар АТА карнети асосида божхона органларига **дастлабки ахборотни тақдим этиш орқали** ташилганда божхона органига транзит декларациясини тақдим этиш талаб этилмаслиги кўрсатилган.

Ҳозирги кунда, юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчаси бўйича маълумотларни электрон қабул қилиш ҳамда халқаро eTIR тизими билан Божхона қўмитасининг “Е-транзит” тизимини интеграция қилиш ҳамда халқаро eTIR тизимининг миллий иловасидан фойдаланган ҳолда транзит декларацияни шакллантиришни амалга ошириш мақсадида БМТнинг Европа

иқтисодий комиссияси ва Халқаро автомобиль транспорти иттифоқида мутахассислари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Шу билан бирга, АТА карнетни амалиётда қўллаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ваколатли ташкилот Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига мурожаат хати юборилганлигини маълум қиламиз.

**Божхона назорати ва расмийлаштирувни  
ташкил этиш бошқармаси бошлиғи**



**Э.Салихов**

ОМН6975

ОМН6975

ОМН6975